

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ , ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

“ РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ” ФАКУЛТЕТИ
“Иқтисодиётда математик методлар” кафедраси

Кўлёзма ҳуқуқида
УДК: 330.115:658(575.1)

Ҳакимова Феруза Икрамжон қизи

Ўзбекистон Республикаси саноат тармоғи асосий кўрсаткичларини
эконометрик моделлаштириш ва прогнозлаш

70310210 -- “ Эконометрика ” мутахассислиги бўйича

Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИ С С Е Р Т А Ц И Я

Илмий раҳбар: доц. и.ф.н: Алмурадов А.А.

Тошкент-2023

Магистрлик диссертация иши “Иқтисодиётда математик методлар”

кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган.

-сонли баённома «__» _____ 2023 й.

Кафедра мудири,

доц. и.ф.н: Рихсимбоев.О

Имзо

Сана

Илмий раҳбар

доц. и.ф.н. Алмурадов.А

Имзо

Сана

Тингловчи:

Имзо

Сана

Диссертация ўқув-методик бўлимда 2023 йил “_____” _____

№ _____ рақами билан рўйхатга олинди.

Бўлим бошлиғи _____

АННОТАЦИЯ

Юртимиздаги саноат тармоғида ишлаб чиқаришни ошириш бугунги кунда долзарб мавзулардан биридир. Шу боис тадқиқот давомида мавзу доирасида атрофлича иш олиб борилди. Жумладан мавзуга оид тадқиқот ишлари, маҳаллий ва хорижий олимлар қарашлари, илмий мақолалари ҳамда мавзуга оид маҳаллий меъёрий ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, адабиётлар шарҳи тайёрланди. Илмий ишнинг амалий аҳамиятини ошириш учун, мамлакатимиз саноат таркибининг ҳолати ва уларда ишлар қай даражада амалга оширилаётганлигини статистик маълумотлар асосида эконометрик таҳлил усуллари ёрдамида ўрганилди. Ундан ташқари, хориждаги бу соҳа тажрибаси билан ҳам танишилди. Ўрганилган ва таҳлил қилинган маълумотлар асосида ишлаб чиқаришни оширишнинг чоралари бўйича илмий ва амалий асосланган хулоса, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Калит сўзлар: Саноат тармоғи, ЯИМ, харажат, таҳлил, қолдиқ, коэффициент.

Summary

Increasing production in the industrial sector in all areas of our country is one of the topical issues today. Therefore, during the research, we carried out extensive work within the scope of the topic. We prepared a review of literature after studying other research works on the topic, views of local and foreign scientists, scientific articles and local normative documents on the topic. In order to increase the practical significance of the scientific work, we studied the state of the industrial structure of our country and the extent to which work with them is carried out using the methods of econometric analysis based on statistical data. In addition, we got acquainted with the experience of this field abroad. Based on the studied and analyzed data, we developed scientific and practical conclusions, suggestions and recommendations on measures to increase production.

Key words: *Industry economics, GDP, cost, analysis, residual, coefficient.*

МУНДАРИЖА

Аннотация	3
Мундарижа	5
Келтирилган жадваллар рўйхати	7
Келтирилган расмлар рўйхати	7
Келтирилган қисқартмалар	7
I БОБ. КИРИШ	8
1.1. Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги	10
1.2. Тадқиқот мақсади ва вазифалари	11
1.3. Тадқиқотнинг асосий муаммолари ва саволлари	11
1.4. Тадқиқот объекти ва предмети	12
1.5. Тадқиқот натижаларининг илмий-назарий ва амалий аҳамияти	12
1.6. Диссертация таркибининг қисқача тавсифи	13
II БОБ. АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ	14
2.1. Кириш	14
2.2. Мавзуга оид илмий-назарий қарашлар шарҳи	14
2.3. Мавзуга оид маҳаллий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар шарҳи	18
2.4. Хулоса	24
III БОБ. МЕТОДОЛОГИЯ	25
3.1. Тадқиқот дизайни	25
3.2. Маълумотларни тўплаш жараёни	25
3.3. Таҳлил учун қўлланиладиган усуллар	26

3.4.	Тадқиқотни ўтказиш учун зарур шароитлар	29
3.5.	Тадқиқот жараёнида кутилаётган муаммолар ва уларнинг ечими ...	29
3.6.	Тадқиқотдан кутилаётган илмий ва амалий натижалар	30
IV БОБ. ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР		34
4.1.	Ўзбекистонда саноат тармоғи ислоҳотлари ва таҳлили	31
4.2.	Ўзбекистонда саноат тармоғининг ўсиш суръатларини таъминлаш омиллари ва натижалари	38
4.3.	Таҳлиллардан олинган натижалар шарҳи	49
V БОБ. ХУЛОСА		52
5.1.	Тадқиқот саволига тегишли натижаларнинг қисқача ифодаси	52
5.2.	Тадқиқотнинг асосий таклиф ва тавсиялари	52
5.3.	Тадқиқот чекловлари ва келгуси тадқиқотлар учун таклифлар	54
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ		55
ИЛОВАЛАР		57

I БОБ. КИРИШ

Мамлакат иқтисодиёти ва аҳоли бандлигида саноат жуда катта ўрин тутади. Бу соҳага зарур шароит яратиш мақсадида сўнгги йилларда 19 та эркин иқтисодий зона ва 400 дан зиёд кичик саноат зонаси ташкил этилди, уларнинг инфратузилмасига 10 триллион сўм йўналтирилди. Шунингдек, тўқимачилик, кимё, қурилиш материаллари, чарм, фармацевтика, электр техникаси каби тармоқларни “драйвер”га айлантириш учун 3 миллиард долларлик молиявий ресурслар ажратилди. Саноатни хомашё билан таъминлаш учун геология-қидирув ишлари 3 баробар кўпайтирилиб, 600 тадан зиёд янги кон аниқланди.

Натижада охириги беш йилда саноат корхоналари сони 2 баробар кўпайиб, 100 мингтага етди, ишлаб чиқариш ҳажми 1,4 бараварга кўпайди.

Бу ҳудудлар ривожига ижобий таъсир қилмоқда. Жумладан, Жиззахда илгари бўлмаган қурилиш материаллари, автомобилсозлик, озик-овқат саноати каби янги тармоқлар пайдо бўлди. Биргина қурилиш материаллари бўйича 220 та лойиҳа ишга туширилиб, вилоят саноатида бу соҳанинг улуши 20 фоиздан ошди.

Самарқанд, Сирдарё, Наманган ва бошқа ҳудудларда металлни қайта ишлаш бўйича 19 та йирик лойиҳа амалга оширилган. Наманганда ташкил этилган 54 та янги кичик саноат зонасида 2022 йилда 3 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган.

Кимё саноатида охириги уч йилда ишлаб чиқариш ҳажми 1,5 бараварга, экспорт эса 2 бараварга ошган.

Шу билан бирга, айрим ҳудудларда натижалар имконият даражасида эмас. Хусусан, 2022-йилда Навоий, Бухоро ва Тошкент вилоятларида саноат ўсиши кўнгилдагидек бўлмаган. Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё, Фарғона ва Хоразмда ип-калавани қайта ишлаш даражаси пастлигича қолган. Наманган, Самарқанд ва Навоийда озик-овқат, чарм-поябзал, мебел ишлаб чиқариш салоҳияти етарлича ишга солинмаган.